

**МИЛЛИЙ МАКТАБЛАРДА ОНА ТИЛИНИНГ МАВҚЕИНИ
ОШИРИШ, ҚҮЛЛАНИШ ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАСИ**

Сайфуллаев Даимжан,
Қозогистон Республикаси,
Туркестон вилояти,
Маҳмуд Қоигарий
мактаб-лицеи

Она тилини ўрганиш ва ривожлантириш Қозогистон халқининг бирлигини мустаҳкамлашга, у орқали дав-латимизнинг ривожланган ўттиз мамлакат сафига кириш учун хизмат этиши керак. “Ўз тилинг – бирлик учун, ўзга тил яшаш учун”, - дейилган қозоқ халқ мақолида. Она тилини ўрганишга таъсир этадиган жиҳатлар:

- она тилимизнинг фойдаланиш доираси торайиб бормоқда;
- кутубхона фонди эскирган.
- болалар турли тиллардаги сўзларни аралаштириб гапирадилар;

- ота-оналаримизда: “ўзбек тили ҳаётда қўлланилмайди, фақат майший тил бўлиб қолади, уни чукур ўрганишнинг кераги йўқ”, - деган тушунча чукур илдиз отмоқда. Шунингдек, ўқувчиларнинг тил бойлиги камлиги уларга ўз фикрини тўлиқ етказа олмаслигига сабаб бўлмоқда. Улар инсон ўз она тилида фикрлаши керак, деган тушунчани унутиб қўйишмоқда. Ижодий иш ёзишда зарур сўзларни топмасдан, бошқа тиллардаги сўзни она тилига таржима қилиб ёзишмоқда. баъзи фанлар иккинчи тилда ўқитилмоқда, ўқитувчиларимиз тўлиқ адабий тилда гапирмайди. Буларни бартараф этиш учун қуидаги босқичларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1-қадам

Ўқувчининг сўз бойлигини орттириши.

Бунинг учун ҳар бир ўзбек тили ва адабиёти дарсида З дақиқа “Тил сандиги” заковат топширигини беришни одатга айлантириш керак. Ҳар дарсда ўқувчиларга 10 сўзнинг маъносини топиш топширилади. Масалан, музaffer, фозил, уламо. Кейинги дарсда топшириқ текширилади. Ҳар бир сўзнинг маъноси ва маънодошлари сўралади. Шу тариқа бир ўкув йилида ўқувчи 500-1000 сўзнинг маъносини ўрганиши мумкин. Шунингдек, имкониятга қараб луғатлар билан кўпроқ ишлашни йўлга қўйиш керак.

2-қадам

Тўғри нутқ маданиятини ривожлантириши.

Қайси сўзнинг қайси пайтда қўлланишини ўргатиш. Кичик матнлар тузиш давомида ўрганилган сўзларни ўз ўрнида қўллаш малакаси ривожлантирилади.

3-қадам

Кутубхонани бойитши.

Хар бир синфда ўқувчилар ўзлари кутубхона ташкил этади. Бунда дўконлардан китоб излаш шарт эмас. Ўқувчилар интернетдан фойдаланиб, ҳозирги замондаги ёзувчи ва шоирларнинг кичик ҳажмдаги асарларини, ёш хусусиятларига кўра танлаб, кўчириб олишади. Уни китобча ҳолига келтириб, синф кутубхонасига тақдим этади.

4-қадам

Ўрганилган бадиий асарларга расмлар чизши.

Бу ўқувчини ҳар томонлама фикрлашга, ўз хаёлотини бойитишга хизмат қиласди. Чизилган расмларни бошқа ўқувчилар гурӯхларда муҳокама қиласди. Расмда тасвирланган воқеа ёки кўриниш матнга яқинлаштирилиб ҳикоя қилинади.

5-қадам

Ўқувчиларни “Мунозара клуби”га жалб этиши

Синфлар ўртасида режа асосида мунозаралар ўтказиш мактабда она тилининг қўлланиш доирасини кенгайтиришга хизмат қиласди. Бошқа тилларда айтолмаган фикрини ўз она тилида етказишга интилади. Бундай мунозараларда ўқувчилар ўз она тилида баҳслашишга, фикрини очиқ айтишга, ҳозиржавобликка, маълум бир мавзу юзасидан қарор қабул қилишга ўрганади.

6-қадам

Синфдан ташқари тадбирларни соғ она тилида ўтказиши

Бу бошқа фан ўқитувчи-ларини ҳам шунга даъват этиш ҳам ижобий натижа беради. Бу ҳам ўқувчиларнинг тил соғлиги ҳақидаги тушунчаси кенгаяди, ҳам урф-одатлар, анъаналар тарғиб этилади. Бу авлодлар давомийлигининг гарови ҳисобланади.

7-қадам

Ўқувчиларни она тилини чуқур ўрганишига разбатлантириши ишларини йўлга қўйши

Байрамлар ва тарихий саналарга атаб ўтказилган эсселар танлови, викторина, адабий кеча ва мушоираларда фаол иштирок этган ўқувчиларни рағбатлантириб бориш ўқувчиларнинг фаоллигини оширади. Ўқувчиларни изланишга чорлайди. Яхши маънодаги рақобат ҳосил бўлади.

8-қадам

Она тилида мактаб газетасини чиқариши

Буни имкониятга қараб ойида бир, икки ойда бир марта нашр этиш мумкин. Бунда мактаб янгиликлари билан бир қаторда она тили ҳақида, китоб ўқиши ва бошқа зарур деб топилган мавзулар берилиши мумкин. Шунингдек, эссе ёзиш малакаларини мустаҳкамлаш учун “Эссе ёзишни ўрганамиз” ёки “Мен ёзган эссе” рубрикаларини бериш мақсадга мувофиқдир.

9-қадам

***Она тили ва адабиётдан тўғарак машгулотларини мунтазам йўлга
кўйиш***

Мақсад: иқтидорли ўқувчиларни танлаб, она тилимиз ва бадиий адабиётнинг сирларини чуқурроқ ўргатиш. “Ёш адабиётчилар”, “Ёш қаламкашлар” тўғараклари ўқувчиларда назарий билимларни амалда қўллаш кўникумаларини ҳосил қилишга, уларнинг функционал саводхонлигини оширишга хизмат қилиши аниқ. Ўқувчиларнинг ижод намуналарини китобча ҳолида жамлаб, кутубхоналарга қўйилса, мактаб газетасида чоп этилса, ижодга қизиқувчилар кўпаяди.

10-қадам

Мактабда она тилининг нуфузини оширишда, албатта, ота-оналар билан ҳамкорлик зарур. Ота-оналар мажлисларида оиласада тарбиянинг энг яхши намуналарини ўзида миллий маданий меросимизни мужассамлаштирган она тили орқали бериш мумкинлиги ҳақида маъruzalар ўқилиши керак. Чунки она тилидаги сўзлар бола онгига яхшироқ сингади, қалбида мустаҳкам ўrnashadi.